



Ислом Нури

Болалар, энди бу дарсимиизда «**Дин нима?**» деган саволга жавоб берамиз.

Одам Ато ва Момо Хавво жаннатдан чикарилиб, ерда хаёт кечира бошладилар. Аммо улар хали кўп нарсаларни билмас эдилар. Ер юзида нима ишларни килиш фойдали? Нималарни килиш заарли? Кайси ишни килса савобу кайси ишни килса гунох бўлади? Буни уларга кимдир ўргатиши керак эди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло ерга **ЖАБРОИЛ**, деган фариштани юборди. Аллоҳ ушбу фариштага фойдали насиҳатларни бериб, буларни Одам Атога ўргатишни буюрди. Жаброил алайхиссалом етти кават осмоннинг устидан учи-и-б, ерга тушиб келдилар. Аллоҳ берган илм ва насиҳатларни Одам Атога ўргатдилар ва шуларга амал килишни буюрдилар. Одам отамиз Аллоҳдан олган илмларга Момо Хавво билан бирга амал килдилар. Бу илмларни ўз болаларига хам ўргатдилар.

Аллоҳ осмондан юборган хабар, илм, буйрук ва насиҳатларни **ДИН**, деб аталади. Динга кандай амал килишни пайгамбар кўрсатиб беради. Аклли кишилар албатта динга кирадилар. Аллоҳга иймон келтириб, Унга ибодат киладилар. **ИБОДАТ** Аллоҳга бандалик, куллик килиш, дегани. Намоз ўкиш, рўза тутиш, дуо килиш, Аллоҳ учун курбонлик килиш, Куръон тиловат килиш, илм ўкиш, одамларни Аллоҳнинг йўлига чакириш ибодатдир. Инсон ибодат килганда ўзини йўқдан бор килган Аллоҳга ташаккур билдирган, Унинг мукофотларидан умид килган бўлади. Банда ибодат килаётган вактда Аллоҳни яхши кўрган холда Унинг дунё ва Охиратдаги азобидан кўркиб туриши керак.

Динга кирган одамни **МўМИН, МУСУЛМОН**, деб айтилади. Мўмин-мусулмонлар Аллоҳга ибодат килиш билан бирга хамма одамга яхшилик киладилар. Кийналганларга ёрдам берадилар.



Мўминларнинг уйларида нур, барака бўлади. Аллох уларни бало-офтлардан саклайди. Киёматда эса жаннатга киритади.

Ёмон одамлар динга киришга унамайдилар. Аллохнинг динига кирмаган одамни **КОФИР**, деб айтилади. Баъзи одамлар Аллохдан бошка нарсаларга ибодат киладилар. Аллохдан бошкага ибодат килишни **ШИРК**, дейилади. Ширк ишини киладиган одамни **МУШРИК**, деб айтилади. Мушриклар ўз кўллари билан ясаб олган ёлгон худоларга ибодат киладилар. Улар шайтоннинг йўлига кириб кетадилар. Кофир ва мушриклар дунёда гуноҳ ишларни киладилар. Харом нарсаларни ейдилар. Бундай одамлар ўзларининг ёмонликлари сабабли хар хил касалликларга дучор бўладилар. Уруш, ер кимирилаш, сув тошкини каби балоларга учрайдилар. Охиратда эса дўзах оловига улоктириладилар.

Баъзи одамлар Аллох юбормаган ва пайгамбар айтмаган ишларни динга киритиб, мана шу хам диндан, деб айтадилар. Диндан бўлмаган бундай ишларни **БИДЪАТ**, дейилади. Бидъатни Аллох хам, пайгамбар хам, мусулмонлар хам ёмон кўришади. Бидъат ишни Аллох кабул килмайди.

З – коида. Аллох Таоло осмондан юборган насихат ва буйрукларни дин, деб аталади. Одамлар ўйлаб топган ёлгон динни эса ширк, дейилади. Дин одамлар учун жуда хам фойдалидир. Ширк одамларга факат зарар келтиради.

Саволлар

1. Дин нима дегани? Ибодат, деб нимага айтилади? Аллох нима учун

- динни
юборди?
2. Мўмин ва мусулмон, деб кимга айтилади? Кофир, мушрик, ширк,
бидъат нима
дегани?